XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЁШЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ХОРИЖДА ТАЪЛИМ ОЛИШ ТАРИХИДАН

ИЗ ИСТОРИИ ЗАРУБЕЖНОГО ОБРАЗОВАНИЯ ТУРКЕСТАНСКОЙ МОЛОДЕЖИ В НАЧАЛЕ XX ВЕКА

FROM THE HISTORY OF THE YOUTH OF TURKESTAN IN THE EARLY XX CENTURY THEIR EDUCATION ABROAD

Abduvali A. YULDASHEV,
Institute of History of Academy Science of Uzbekistan
Junior researcher PhD
dengiz-85@mail.ru
5, Shakhrisabz tor, Tashkent, 100060, Uzbekistan.

DOI: 10.47980/IIAU/2023/2/3

Аннотация. Ушбу мақола Туркистон ёшларининг Россия империяси ҳукмронлиги шароитидаги хорижий таълими масаласига бағишланган. Ёшлар узоқ ўтмишдан бери илм-фанда тараққий этган ислом оламининг олий ўқув юртлари ва дунёнинг йирик шаҳарларида таълим олишга интилганлар. Туркистонда XIX аср охири – XX аср бошларида ҳам илм-фан ва тараққиётга интилиш давом этди. Бу жараён Туркистонда вужудга келган жадидчилик ҳаракати билан бирга ривожланиб борди. Ёшларнинг хорижий таълимига маърифатпарвар зиёлилар ва илмга хайрихоҳ кишилар моддий ва маънавий жиҳатдан ёрдам кўрсатдилар. Улар хайрия жамиятлари тузиб хорижга талаба юбориш ва у ердаги таълим жараёнига кўмак бердилар. Мамлакат учун зарур диний ва дунёвий билимларни олиш ва тараққиётга хизмат қилувчи соҳалар бўйича ёшлар хорижда таҳсил олдилар.

Мақолада тарих фанида тан олинган услуб ва тамойиллар асосида манбалар, ҳужжатлар ва адабиётларни ўрганиш хронологик ёндашув, цивилизацион, қиёсий, тизимли таҳлил қилган ҳолда ёшларнинг хориж мамлакатларида таълим олиш тарихини ўсиб бориш ва бу йўлда амалга оширилган амалий фаолиятни кўрсатиб берилган.

Шунингдек, Туркистон ёшларининг хорижда таълим олишига сабабчи бўлган омиллар, ўлкадаги сиёсий-ижтимоий, ҳолат, миллий кадрлар тайёрлашдан мақсад таҳлил қилинган. Туркистон минтақасида мавжуд уч ҳукумат, яъни Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида ушбу масалага нисбатан эътибор кўрсатиб берилган. Миллий кадрлар тайёрлаш учун юборилган мамлакатлар ва у ердаги таълим ҳақида сўз борган. Жадид зиёлилари томонидан ёшларни хорижда ўқитиш йўлида тузилган маърифий ва хайрия жамиятлари ҳамда ёшларнинг борган мамлакатларидаги тузган илмий жамиятлари манбалар асосида очиб берилган.

Ушбу даврда Туркистон ёшлари Оренбург, Петербург, Қозон, Уфа каби Россиянинг марказий шаҳарлари, Туркия, Миср, Ҳиндистон ва Европанинг ривожланган давлатлари таълим муассасаларида ўқидилар. Мақолада мавзуга оид архив ҳужжатлари, манбалар ва кенг турдаги илмий адабиётлар таҳлилга тортилган. Ушбу мақола орқали XX аср бошларидаги Туркистон ёшларининг хорижий таълими тарихининг манзараси тасвирлаб беришга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: *жадидчилик, таълим, хорижий таълим, Маҳмудхўжа Беҳбудий, "Олия" мадрасаси, "Жамияти хайрия", "Тарбияи атфол", хориждаги талабалар жамияти, Истанбул, университет, Холид Саид.*

Аннотация*. Данная статья посвящена вопросу зарубежного образования туркестанской молодежи в период существования Российской империи. Молодежь Туркестана издавна стремилась получить образование и научные знания в университетах исламского мира в крупных городах мира. В Туркестане в конце XIX и начале XX веков получили дальнейшее развитие наука и образование. Этот процесс развивался вместе с возникшим в Туркестане движением джадидов. Просветители и меценаты оказывали материальную и духовную поддержку зарубежному образованию молодежи. Они создавали благотворительные организации для отправки студентов на учебу за границу. Молодые люди учились за границей, чтобы получить необходимые стране религиозные и светские знания.*

В статье рассматриваются действия, предпринятые для помощи молодежи в обучении за границей, тенденция роста числа молодых людей, обучавшихся за границей, источники, подтверждающие события, имеющие отношение к хронологии учебных документов и литературы с привлечением сравнительного анализа.

Кроме того, в статье рассмотрены факторы, которые привели к обучению молодежи в зарубежных странах, политическая ситуация в стране, цель подготовки отечественных специалистов. Уделено внимание к вопросу наличия в тот период в Туркестане трех правительств – Туркестанского генерал-губернаторства, Бухарского эмирата, Хивинского ханства. Названы страны, куда направлялись молодые специалисты для обучения в этих странах. Кроме того, был проведен анализ деятельности благотворительных организаций, созданных джадидами для отправки молодежи в зарубежные страны, организаций, созданных молодежью в этих зарубежных странах.

В этот период молодежь Туркестана обучалась в учебных заведениях центральных городов России, таких как Оренбург, Санкт-Петербург, Казань, Уфа, а также в Турции, Египте, Индии и развитых стран Европы. В

статье анализируются архивные документы, источники и широкий круг научной литературы по данной теме. В данной статье автор попытался дать анализ исторических предпосылок и условий, способствовавших отправке туркестанской молодежи в зарубежные странаы в начале XX века для получения образования.

Ключевые слова: *джадидизм, образование, зарубежное образование, Махмудходжа Бехбуди, медресе «Олия», «Жамияти хайрия», «Тарбияи атфол», студенческое общество за рубежом, Стамбул, университет, Халид Саид.*

Annotation*. The article is devoted to the issue of education of Turkestan youth abroad during the reign of the Russian Empire. The youth strived to study at scientifically advanced universities in the Islamic world, and in major cities around the world. There was a lasting aspiration to the science and development in Turkestan at the end of the nineteenth and the beginning of the twentieth century. This process developed along with the Jadid movement that arose in Turkestan. Enlightened intellectuals and people who love science provided financial and moral support for the foreign education of young people. They created charitable societies and helped to send students abroad and educate them. They studied abroad in order to acquire religious and secular knowledge serving the development of the country.*

The article discusses the history of upward trend in the number of the youth who studied abroad and practical measures in this sphere on the basis of historical methodologies and principles such as the study of sources, documents and books, chronological approach, civilizational, comparative and systematic analyses.

Furthermore, the article analyses the factors which led to the education of the youth in foreign countries, political situation in the area, the aim of training national specialists. The attention to this issue by existing three governments in Turkestan, namely Turkestan General Governorate, The Emirate of Bukhara, Khiva Khanate has been explored. The countries where young specialists were sent and the education in these countries has been stated. Educational and charitable societies established by jadid intellectuals to educate young people abroad, as well as scientific societies formed by young people in the countries they visited, are revealed based on sources.

During this period, the youth of Turkestan studied in educational institutions of the central cities of Russia, such as Orenburg, St. Petersburg, Kazan, Ufa, as well as Turkey, Egypt, India and developed countries of Europe. The article analyses archival documents, sources and a wide range of scientific literature on the topic. By this article the author has tried to illustrate the historical image of the study of Turkestani youth in foreign countries at the beginning of the 20th century.

Key words: *Jadidism, education, education abroad, Mahmudkhoja Behbudi, madrassah "Olia", "Djamiyati Khayria", "Tarbiyai atfol", student society abroad, Istanbul, university, Khalid Said.*

КИРИШ

Инсоният ўз тараққиётида доимий равишда билим олишга интилиб, тўпланган тажриба асосида жамият ҳаётини ўзгартириб келади. Бу жиҳатдан жадидчилик ҳаракати XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон, Кавказ, Қрим, Татаристон ҳаётида муҳим аҳамият касб этган ижтимоий-сиёсий ва маърифий ҳаракат ҳисобланади. Ушбу ҳаракатни ривожлантирувчи куч таркибида халқнинг турли табақасидаги кишилари бор эди. Туркистонда бу даврда вужудга келган жадидчилик ҳаракати вакиллари ўзларининг ғоялари орқали жамият ҳаётида ислоҳотлар қилишни илгари сурганлар ва тарғиб этганлар.

Айтиш жоизки, бу даврда Туркистонда Россия империясининг мустамлакачилик сиёсати оқибатида иқтисодий танглик, маърифий қолоқлик янада авж олган ва ўз халқи тақдирига бефарқ бўлмаган зиёлилар бу ҳолатдан чиқишнинг турли йўлларини излаганлар. Уларнинг фаолиятида халқнинг ижтимоий-сиёсий онгини юксалтириш, янги усул мактаблари ташкил этиш ва маҳаллий ёшларга таълим бериш, газета ва журналлар нашр этиш, турли жамиятлар тузиш, театр труппалари тузиб халққа жамиятдаги мавжуд иллатларни кўрсатиб бериш каби йўналишлар устувор бўлган. Шунингдек, жадидларнинг фаолиятида ёшларни чет мамлакатларда ўқитиш масаласи муҳим вазифалардан хисобланган. Чунки Туркистонда иқтисодий тараққиётга йўналтирилган замонавий ўқув муассасалари мавжуд эмас, олий таълим ҳисобланган мадрасалар эса ислоҳотга муҳтож эди. Бундай вазиятда замонавий илмларни хориж мамлакатлари таълим тизимидан олиш муаммо ечимидаги бир қадам эди.

УСЛУБЛАР

XX асрнинг бошларида Туркистон ёшларининг хорижий таълим масаласида кўплаб манбалар, архив ҳужжатлари ҳамда адабиётлар ушбу мақолани ёзиш дараёнида таҳлилга тортилди. Уларни ўрганиш тарихий жараён билан бевосита боғлиқликда тадқиқ қилиш зарур. Бу ўз навбатида тарих фанидаги услубларни талаб қилади. Мақолани ёзиш жараёнида даврийлик, цивилизацион, қиёсий ва мантиқий таҳлил, тизимлаштириш усулларидан фойдаланган ҳолда мустамлака шароитидаги Туркистон минтақасидаги таълим, ўлкадаги жадидчилик ҳаракатининг хорижий таълимга

таъсири, шунингдек, ушбу заруратга эҳтиёжнинг туғилиш сабаблари ёритиб берилган.

XIX аср охири XX аср бошларида Россия империясининг Туркистонга киритаётган рус саноати, фабрика ва заводлари, маҳаллий савдогарлар бойлар учун савдо алоқаларини амалга оширишда янгича ҳаракатларни талаб қилар, уларга Россиянинг марказий шаҳарларидаги тижорат манзиллари билан алоқа қиладиган янги кучлар керак эди. Бунинг учун маҳаллий тадбиркорлар ўз фарзандлари ёки яқинларини Россиянинг марказий шаҳарларига юбордилар, савдо мактабларида ўқита бошладилар (Зиё Саид, 1974:32). Туркистон савдогарлари, зиёлиларининг баъзилари бутун Европани кезиб, саноат шаҳарларини кўрдилар. Улар ривожланган шаҳарларни кўриш билан бирга миллий савдо сармояси учун, тараққиётга хизмат қилувчи мутахассисларни тарбиялаш кераклиги тўғрисидаги хулосага келдилар. Натижада ижтимоий-иқтисодий тараққиётда бўлган Россия, Миср ва Туркия каби мамлакатларга ёшларни ўқишга юбориш ҳаракати кучайиб борди.

Энг аввало, Петербург ва Россиянинг бошқа шаҳарларига давлат ва ҳукумат ишлари, тиббиёт учун кадрлар тайёрлашга, Миср ҳамда Арабистонга диний илмлардан таҳсил олиш мақсадида талабалар юборилган. Бу ҳақда "Шуҳрат" газетасининг 9-сонида Маҳмудхўжа Беҳбудий томонидан ёзилган мақолада қуйидаги жумлалар келтирилади: "... Сўнгра буларнинг Мисрдан келган олими диний замони, Петербургдан келган олими дунёвий замони бўлиб, дин ва мамлакатнинг дунё ва охират обод бўлишимизга сабаб бўладурлар. Петербургдаги тиббия, ҳуқуқия, ҳакимия, таълимия ва адлия мактабларида ўқиғонларимиз, табиб, муаллим, аҳли ҳуқуқ ва ҳаким бўлиб давлат ишлариға ва ҳукумат мансабларига оролашиб, бизга наф еткурарлар. Ўзимиздан доктор, табиб, гимназия муаллими ва адвокат, инжинер ва член суд ва ҳоким ва уездний начальник бўлса ёмон бўлурми? Албатта, яхши бўлур. Бу илмлардан ўқуб юқорида баён бўлғон подшоҳлик мансабларига кириб, дин ва миллат, ватан ва давлатга хизмат қилмоқликни шариат асло ман қилмайдир. Русия закунлари ҳам қабул қилур" (Маҳмудхўжа ибн Беҳбуд хўжа, 1908). Немис олимаси И. Балдауф М. Беҳбудийнинг мавжуд фикрларини "қонун чиқариш ишларида ва капиталистик иқтисодиётда иштирок этиш империализмга қарши курашда энг самарали восита бўлган бўлар эди", деб баҳолайди (Балдауф И., 2001:16).

Бунинг натижасида кўплаб туркистонлик ёшлар Россиянинг марказий шаҳарларида таълим олди. Жумладан, Тошпўлатбек Норбўтабеков Петербург университети юридик факультетида (Ўзбекистон Миллий архиви, И-461, 935-иш: 3,5), Убайдулла Асадуллахўжаев Саратовдаги ҳуқуқшунослик институтида (1908-1912) ўқидилар. Улар Туркистонга қайтгач ҳукумат ишларида ишлаш билан бир вақтда маърифатпарварлик ҳаракати аъзолари сифатида ҳам фаолият олиб бордилар.

НАТИЖА

XIX аср охири – XX аср бошларида маҳаллий ёшлар Европанинг олий таълим муассасалари талабаси бўлиб таҳсил олишга муваффақ бўлганлар. Бунда Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидаги савдогар ва маърифатпарвар бойлар мамлакатдаги иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётни тараққий этиши ва мусулмон мамлакатларидаги ўзгаришларга бефарқ бўлмаган ҳолда маҳаллий ёшлардан мамлакатдаги зарур соҳаларга мутахассис тайёрлаш чорасида бўлдилар. Масалан, Хива хонлигининг Хонқа тумани ҳокими Аминиддин 1872 йилда хон элчилари сафида Ҳиндистонга боради. Сафар давомида дунё ўзгаришларидан катта таассурот билан қайтган. У ўғли Муҳаммадни 1893 йилда таълим олиши учун Францияга юборган. Отаси уни дастлаб Хивадаги Арабхон мадрасасида ва Тўрткўлдаги рус-тузем мактабида ўқитди. Илмга бўлган иқтидори боис Муҳаммад Аминиддин ўғли Истанбулга бориб таълим олди. Хонликдаги катта ерлар ва ундаги сув муаммоси ҳамиша асосий муаммо бўлганлигидан, отаси уни сув-хўжалиги соҳасида таълим олиш учун Францияга юборди. Муҳаммад Аминиддин ўғли 1893-1897 йиллари Франциянинг Тулуза шаҳридаги ирригация коллежида таҳсил олди (Бекмуҳаммад У., 2004).

Бухоролик йирик савдогар Ҳожи Абдурауф Мирзоҳидбойнинг ўғли Мирзо Сирожиддин Ҳаким Бухорий (1877-1913) эса 1903 йилда Эронга бориб Техрондаги Америка тиббиёт коллежида ўқиган. Олий таълимни эса Швейцариянинг Берн университети тиббиёт факультетида олган. У 1909 йилда университетни тамомлаб Бухорога қайтади. Мирзо Сирожиддин Ҳаким Бухорода нафақат савдогар, олий малакали врач бўлиш билан бирга жадидчилик ҳаракатида ҳам фаол иштирок этган.

Бухоро амирлигидаги маҳаллий ёшлар ҳам Францияда таълим олганлар. Жумладан, тадқиқотчи Д. Жамолова ўз тадқиқотларида Мирзо Сирожиддин Ҳаким Бухорий ҳақида маълумот бериб, уни 1891 йилда Парижда ўқиб келган ўзбек муаллимидан

француз тилини ўрганганлигини ёзади. Шунингдек, “Туркистон вилоятининг газетаси”нинг 1910 йил 7-сонида: “Яқин фурсатда Бухоро истансасидан Тошканд шаҳри билан Фарангистоннинг Париж шаҳрига Бухоронинг бир қанча муллабаччалари жамъ бўлиб Париж шаҳрини бир мадрасасида толиби илм қилмоқга жўнаб кетубдирлар”, – деган хабар берилади (Туркистон вилоятининг газети, 1910).

Маълумки, асрлар давомида ўлкада (Марказий Осиёда) анъанавий таълим тизими қуйи ва юқори босқичдан иборат бўлган мактаб ва мадрасалар фаолият юритиб келган. Мадрасаларда, асосан, илоҳиёт ва фиқҳ масалалари бўйича билим берилиб, аниқ ва табиий фанлар эътибордан четда қолди. Албатта, бу ҳолат жамият умумий тараққиёти суръатлари сусайишига олиб келди ва бошқа мамлакатлардан орқада қолишга сабаб бўлди.

XX аср бошларида Оренбург, Уфа, Қозон шаҳарларида ислоҳ қилинган бир қатор мадрасаларда янгича ўқитиш тартиби жорий этилди. Бу Россия мусулмон ёшлари эътиборини тортди. Оренбургдаги “Ҳусайния”, Қозондаги “Муҳаммадия”, Уфадаги “Олия” мадрасаларида ўқитишнинг янги усулига ўтилгач, ўқиш сифати ошади. Натижада Россия ҳудудларидан Бухоро мадрасаларига ўқишга келувчилар сони камая борди (ЎзМА. И-461, 1315-иш: 337).

Қозон шаҳрида 1915 йил нашр этилган Солиҳ бин Собит Абиддин ноширлигида “Маржоний” номли асарда татар ёшларининг Бухоро мадрасаларига келишининг камайишига қуйидагича баҳо берилган эди: “Маржонийнинг Бухоро ҳақида бўлган инқодлари, Бухоро халқина таъсир этмасада, лекин татарларга кўпроқ таъсир этган. Маржоний асарлари майдонга чиқувдан сўнгра, халқимиз Бухоро тартибларининг бузуқлуғини билиб, иккинчи ердан илм манбаларини олувга мажбур бўлғонлар. Истанбул, Миср тарафларина бориб таҳсил эта бошлағонлар” (Солиҳ бин Собит Абиддин, 1915:39). Фақатгина ушбу тарғибот ва асарларгина эмас ўша замон учун зарур илмларга бўлган эҳтиёж ва таълим муассасаларидаги ислоҳотлар ёшларнинг ривожланган ва ислоҳ қилинган олийгоҳларда таълим олишга ундади. Ислоҳ қилинган мадрасаларда ўқиган талабалар Туркистонга келиб жадид мактабларида дарс берди (Инқилоб, 1922/ 7-8:27-30). Бу эса ўз навбатида туркистонлик ёшларни Оренбург, Қозон ва Уфа мадрасаларда таълим олишга қизиқишини орттирди.

Шунингдек, XX аср бошларида нашр этилган Туркистон миллий матбуот саҳифаларида ва хориждан турли йўллар билан ўлкага келиб турган газета ва журналларда чет мамлакатлардаги ислоҳ қилинган мадрасалар ва замонавий таълим муассасаларига оид маълумотлар зиёлилар ва ёшлар эътиборини тортди (Шуҳрат, 1907, Тужжор, 1907, Самарқанд, 1913, Шўро, 1913/7:213).

Туркистон ёшларининг кўпчилиги Оренбургдаги “Ҳусайния” ва Уфадаги “Олия” мадрасаларига бориб таълим олдилар. Жумладан, Мунаввархори Абдурашидхонов дастлабки усули жадид мактабида таълим олган икки шогирдини 1909 йилда Тошкентда ташкил этилган “Жамияти хайрия” ёрдами билан “Ҳусайния” мадрасасида таҳсил олиш учун юборган (Ёш туркистонли, 1933/41:1).

Тошкентлик ёзувчи Мўминжон Муҳаммаджонов ўзининг “Турмуш уринишлари” асарида ана шу мадрасалардаги таълим ва унда ўқиган туркистонлик ёшлар ҳақида кўплаб маълумотларни беради (Муҳаммаджонов, 1926:169). М. Муҳаммаджоновнинг ўзи ҳам “Олия” мадрасасида 1908-1910 йилларда мадрасанинг биринчи ва иккинчи таҳзирия (бошланғич) синфларида таҳсил олган. Иқтисодий муаммолар туфайли ўқишнинг кейинги босқичларини давом эттира олмай Туркистонга қайтиб келади. Шундан сўнг у Тошкент, Фарғона ҳудудларидаги янги усул мактабларида муаллимлик қилган.

Туркистон талабаларининг “Олия” мадрасасидаги таълими жараёнида кўплаб иқтисодий қийинчиликларга дуч келганлар. Бу ҳақда Туркистон миллий матбуотида талабалар томонидан йўлланган мурожатнома (Шермуҳамедов, 1918) ва хотираларда (Муҳаммаджонов, 1926: 134-146) қайд этилган. Туркистондан борган “Олия” мадрасаси талабалари ўз имконияти ҳамда яқинларининг таъминоти ва ҳайрия ёрдами билан таҳсил олган. Ўқиш муддатининг қисқалиги (4 йил) бошқа мадрасаларга қараганда “Олия” мадрасасида таълим олувчиларни сонини оширган. Аммо, таҳсил ва яшаш учун маблағ масаласидаги муаммолар уларнинг таълим олишини чеклаган. Ўша даврда Россия мустамлакаларининг сиёсий мавқеи ва ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар мадраса талабаларини бир-бирига яқинлаштирди. Уфа шаҳридаги “Олия” мадрасасининг туркистонлик талабалари ўзаро бирлашиб бир-бирларига моддий ва маънавий кўмак бериш учун “Уфадаги туркистонлик ўқувчилар жамияти”ни туздилар (Агзамхўжаев, 1991/5:5). Жамият ўз “низомнома”сига эга бўлган. Ушбу низомнома: “Жамият мақсади”, “Жамият аъзолари”, “Умумий йиғилиш”, “Тафтиш комиссияси”, “Жамиятнинг шўъбалари ҳақида”, “Жамиятнинг

молияси” каби бўлимларга бўлинган. Бу жамият туркистонлик талабаларнинг Уфадаги таълими жараёнида иқтисодий ва маданий фаолиятини йўлга қўйиш, юзага келадиган муаммолар ва қийинчиликларни биргаликда бартараф этишга қаратилган эди.

Жадид зиёлилари ва илмга хайрихоҳ кишилар Туркистонда ёшларнинг таълим олишда моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун хайрия жамиятларини ташкил этдилар. Улар Тошкентда 1909 йилда тошкентлик Орифхўжабой Ҳожинов раислигида “Жамияти хайрия” тузадилар. Жамиятнинг 41 моддадан иборат низомида, унинг амалга оширадиган вазифалари акс этган эди. “Жамияти хайрия”нинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлган: маҳаллий халқнинг барча қатламларини таълим олиши учун турли мактаблар ташкил этиш; йўқсил болалар ва етимларга ғамхўрлик қилиш; турли бошпаналар ташкил этиш; мусулмон талабаларига моддий ёрдам кўрсатиш ва бошқа масалаларни қамраб олган (Устав мусулманскаго общества, 1909:1,2). “Туркистон вилоятининг газетаси”нинг 1910 йил 11-сонида ёзилишича, 1909 йил 30 декабргача жамиятга аъзоликка ёзилганлар сони 191 кишидан иборат бўлган. Ушбу йилда жамият фойдасига тўпланган маблағ 1164 сўм 10 тийинни ташкил қилган. 1909 йилда жамият ўз олдига қўйган вазифалари учун 318 сўм 77 тийин сарф қилган. Қолган маблағлар эса жамият низомидан келиб чиққан ҳолда 1910 йилда амалга оширилиши кўзда тутилган ишлар учун қолдирилган (Отчет мусульманского общества “Помощь”, 1910).

МУҲОКАМА

“Жамияти хайрия”нинг фаолиятига оид маълумотлар адабиётшунос Бегали Қосимов, Шерали Турдиев, санъатшунос С. Аҳмедов, тарихчи олимлар Д.Алимов, Қ Ражабов ва бошқа бир қанча олимлар томонидан ёзилган мақола ва монографияларда тўхталиб ўтилади. Ушбу тадқиқотларда Туркистонда ташкил этилган ёрдам жамиятларининг фаолиятидаги хорижий таълим масаласига кенгроқ эътибор қаратилмаган. Бироқ бу жамиятлар кўмак берганлиги ҳақида маълумотлар келтирилади.

Кейинги давр тадқиқотларида янги маълумотларни ўрганиш ва уларни таҳлили натижасида талабаларни хориж мамлакатларига юбориш ва уларни моддий жиҳатдан таъминлаш очиқчасига кўрсатилмаган бўлса-да, бу борада амалий ишлар қилинганлигига оид манбалар очиқланмоқда. Хусусан, Мунавварқори Абдурашидхонов бир гуруҳ ёшларни Истанбулда ўқитиш учун Уфадан келган бир муаллим билан яширин равишда хусусий дарс ташкил қилган. Бу талабалар орасида Абдуваҳоб Муродий ва Салимхон Тиллахоновлар ҳам бор эди (Ёкуб, 1934:13). Мунавварқори Абдурашидхонов томонидан очилган “Намуна” мактабида ўқиб, совет ҳокимияти йилларида Германияда таълим олган Иброҳим Ёркиннинг ёзишича: “Бу жамиятлар, Мунавварқорининг ташвиқи билан, юқоридаги ишлардан ташқари, илк мактабни битиргандан сўнгра Туркия, Ўрунбург, Уфа ва Озарбайжонга яширин юборилган талабаларга ёрдам ишларини бошқарар эди. ... Бир қанча ёшларни Туркияга юбориб ўқитгани маълумдир” (Абдурашидхонов М., 2001:108,109).

1913 йил охирларидан эътиборан “Жамияти хайрия” негизида “Турон” жамияти ва саноъе нафиса уюшмаси ташкил қилинган. Вақт ўтган сари жадидлар томонидан тузилган жамиятларнинг фаолиятини такомиллаштириб борилган. Шу боис “Турон” жамиятининг дастури аввалги жамиятлардан анча кенг қамровли тузилишга эга эди. Жамиятнинг маориф йўлидаги фаолиятида камбағалларнинг болаларини пулсиз ўқитишдан ташқари, уларни хориж мамлакатларига юбориб ўқитишга катта эътибор берилган. Шу жамиятнинг аъзоси бўлган Абдураҳмон Акбаровнинг хотирлашича 1916 йилги жамият йиғилишлардан бирида Мунавварқори Абдурашидхонов иқтидорли ёшлардан бир нечтасини Германияга юбориб ўқитиш ҳақида сўзлайди. Ушбу жамият аъзоси Каттахўжа Хўжаев уйида бўлган кейинги мажлисда Германияга борувчи ёшлар рўйхати ўқиб берилган. Улар 4 киши бўлиб 1. Шайх Хованд Тоҳур даҳасидан Абдулваҳоб Муродий, 2. Бешёғоч даҳаси Чақар маҳаллалик Муҳаммаджонов, 3. Бешёғоч даҳаси Яланқари маҳаллалик Аъзам соатсоз ўғли, 4. (яна бир киши номи кўрсатилмаган – Й.А.) (Аҳмад С., 1992/5:107,108).

Бухоро амирлигидаги Россия империясининг сиёсий агентлиги ва уламоларнинг назорати ҳамда қаршилигига қарамай, жадидлар мақсадларини амалга ошириш йўлида давом этди. Улар ўз ғояларини матбуот орқали тарғиб этиб, ярим махфий тўгараклар ташкил қилиб фаолиятларини олиб бордилар (Хўжаев Ф., 1976:98). Бу жамият “Тарбияи атфол” деб аталиб, у 1909 йилда ташкил этилган ва Термиз, Карки, Янги Бухоро, Ғиждувонда 28 та шахобчаси очилган эди (Айний С, 1926:84).

Жамиятнинг бош амалий фаолияти ташвиқотдан иборат бўлиб, халқни илм ва маърифатга тарғиб қилиш, ўқиш ҳавасида бўлганларга ёрдам кўрсатиш, халқ орасига кириб уларга газета ва китоблар ўқиб бериш, тарқатиш ҳамда газета ва журналларга обуна қилиш ишларини амалга оширган. Жамият аъзоси Мукамалиддиннинг уйида ҳусусий ва яширин мактаб ташкил этилиб, иқтидорли болалар ўқитилган. Бу мактабнинг таъминоти "Тарбияи атфол" жамияти зиммасида бўлган.

Жамият томонидан ташкил қилинган мактабларда ўқиган болаларни кейинчалик Оренбург, Қозон, Уфа, Қрим ва Туркияга ўқишга юборила бошланди. Бадавлат оила болалари ўз ҳисобига, камбағал оила фарзандлари яширин жамият маблағи билан ўқишга юборилди.

Масалан, дастлаб таълим олишга Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли, Атохўжа, Мазҳар махдум Бурҳон махдум ўғли, Абдурауф Фитрат ва Муқимбеклар Истанбулга юборилган. Улар Истанбулга турли йўллар билан етиб боришган. Жумладан, Фитрат билан Муқмиддин Эрон йўли билан, Усмонхўжа, ғулжалик Абдулазиз ва Содиқ Ашур ўғли эса Россия йўли билан Истанбулга борадилар (Валидий З., 1981:354). А.Фитрат Истанбулга етиб олгунга қадар савдо кемасига юк ташувчи бўлиб ёлланган. У Истанбулда ўқиш билан бирга мадраса ва масжидда ҳовли супуриб тирикчилигини ўтказган. Унга укаси Абдураҳмон ҳам моддий ёрдам юбориб турган (Болтабоев Ҳ., 2007:18). Ана шу йилларда яна бир бухоролик зиёли Ҳалим Ашур ҳам Туркияда ўқиган. У Бухоронинг Бозоргул гузаридан бўлиб, отаси ҳожи Ҳаким 1915 йилда вафот этган эди. Бухоро жадидларининг маҳфий йиғилишлари Ҳалим Ашурни уйида бўлиб ўтарди. Ушбу уй икки кўчага чиқиш учун қулай жойда жойлашган эди. Бу эса жадидларнинг хавф-хатардан осон қутилиш имконини берар эди (Наимов Н, 1994:46).

1910 йил "Тарбияи атфол" жамияти ёрдамида Ҳамидхўжа Меҳрий ҳамроҳлигида икки нафар талаба, бир йилдан сўнг Аҳмаджон Махдум ўғиллари Афзал ва Акром Истанбулга юборилади. Шунингдек, 1911 йилда 15 нафар, 1912 йилда 30 киши Истанбулга юборилди (Валидий З., 1981:354).

ТАҲЛИЛ

Бухородан борган ёшлар 1909 йилнинг сентябрь ойида Истанбулда "Бухоро таъмим маориф жамияти" номи билан очиқ фаолият юритувчи жамият туздилар. Бу жамият Бухоро ва Туркистондан Истанбулга борган талабаларни ўз атрофига бирлаштирди. Жамиятни тузишда бухоролик Муқмиддинбек, Содиқ Ашур ўғли, ғулжалик Абдулазиз ва бошқалар фаол бўлган. Жамият Истанбулда расман тан олинган ва ўзининг низомномаси ва ҳаракат дастурига эга эди. Низомноманинг сўзбошисида "Жамият 1909 йил 26 сентябрда Истанбулда Абдурауф Фитрат ва Усмон Хўжа каби бухоролик жадидлар томонидан қурилган"лиги ёзилган (Kocao'g'lu, 2001:467). Жамият низомномаси А.Фитрат томонидан тайёрланган. У Истанбулдаги Вазирхон кўчасида жойлашган "Матн" типографиясида нашр қилинган.

Россия империясининг маҳфий агенти Яков Яковлевич Лютшнинг 1910 йил 28 июнда губернаторликка йўллаган хатида жамиятнинг низомга кўра Истанбулда таълим олиш учун жамият ҳомийлигидан борадиган болалар муҳтож оиладан бўлиши, соғлом ҳамда 10-15 ёш бўлиши кўзда тутилганлигини ёзади (ЎзМА, И-3, 356-иш: 5).

С. Айнийнинг қайд этишича, "Бухоро таъмим маориф" жамияти Бухоро ва Туркистондан келган ёшларни Истанбулдаги таълим муассасаларига жойлаштирган. Истанбулга янги келган ёшларга жамият ёрдам берган. Туркистон ёшлари мактабларга жойлашгунга қадар хусусий муаллимларда ўқитиб таёрлаган. Шунингдек жамият, ҳаж сафарида Хижозга кетаётган Туркистон ва Бухородан келаётган ҳожилар билан учрашувлар ташкил қилган. Истанбулдаги мактаб ва илм муассасаларига саёҳат уюштирган. Бу орқали улар талабаларнинг дунёқарашини ўзгаришига, фикрларининг ўсишига ёрдам берган (Айний С., 1965: 236).

Шу даврда Туркияда фаолият юритган "Иттиҳод ва Тараққий" ташкилотининг туркистонлик ёшларга таъсири катта бўлган. Бу ташкилот Туркияда катта нуфузга эга бўлиб, усмонийлар давлатидаги сиёсий, маданий ҳаётни ўзгартиришга ўз таъсирини ўтказа олган эди. "Иттиҳод ва Тараққий" ташкилотининг Туркистон жадидлари билан алоқалари кучли бўлиб, Россия империясининг мустамлакачилигидан қутилиш учун амалга оширилаётган ишларга ҳар томонлама ёрдам беришга тайёр бўлган. Архив ҳужжатларидаги маълумотларда 1910 йилда Тоҳир Абдулазиз ўғли, Шайх Завет Ҳасан, Муҳаммад Ҳусайн Муҳаммад Аминов каби "Иттиҳод ва Тараққий"нинг аъзолари Туркистоннинг турли шаҳарларига юборилган (ЎзМА, И-461, 115-иш: 5). Улар Туркистондаги жадидларнинг ижтимоий, маданий ҳамда сиёсий ҳаракатларида иштирок этган.

Истанбулдаги талабалар Бухоро зиёлилари ва талабаларига Туркияда чиқаётган бир қатор газеталарни жўнатиб турганлар. Россия

империясининг Бухородаги сиёсий агентлигининг фикрича, Туркия миссионерларининг Бухорога эътибор қаратиши: биринчидан, Бухоронинг қадимий шаҳарлиги, Ўрта Осиё мусулмончилик маркази хисобланиши ва Бухорода полиция назоротининг кучли эмаслиги, яъни четдан келаётганлар хорижликлар айниқса, турк фуқаролари учун назоратнинг сустлиги, ўз вақтида сиёсий агентликка тўлиқ маълумот бера олмаётганлигида деб билган. Бухородаги сиёсий агентлик императордан ёш турклар қўмитаси вакиллари фаолиятини тўхтатиш мақсадида Туркия фуқароларини Бухоро амирлиги ҳудудига киришини таъқиқлашни сўраган. Чунки уларнинг асосий мақсади тарғиботдан иборат бўлиб, савдо ишлари баҳонаси билан Бухорода фаолиятини олиб боришлари қайд этилган (ЎзМА, И-2, 283-иш: 14).

Россия империясининг Истанбулдаги элчиси Бухоро ва Туркистонга бориб келган Туркия фуқароларининг ҳаракатини кузатиш билан бирга, Туркияда таълим олаётган туркистонликлар ҳақида маълумот бериб борган. Унинг 1910 йил 29 сентябрда берган маълумотида: "Ҳозирги вақтда 100 яқин туркистонлик ўқувчи бор, уларнинг ярми бухоролик қолган ярмиси эса Қошғардан келган. Бу талабаларга фанлардан дарс бериш билан бирга умумий дастури панисломчилик ва туркчилик ғоялари ҳам сингдирилмоқда"–деб ёзган эди (ЎзМА, И-461, 1260-иш: 69).

Уларда Туркияда таълим олиш Туркистон ёшларининг миллий онгининг юксалишига, натижада халқнинг сиёсий ва маънавий фикрларининг тезда ўсишига олиб келади, деган шубҳа бўлган. Империя вакилларининг бу хавотирларини 1911 йил 22 ноябрдаги Туркистон муҳофаза бўлимига йўлланган хатда кузатиш мумкин: "Константинополдаги маърифат тарқатувчи жамият фақатгина бухороликларни эмас, балки бутун Туркистон ёшларини илмлик қилиш, миллий онгини кўтаришни кўзламоқда" (ЎзМА, И-461, 1260-иш: 69).

Бухоро ёшларининг Туркияда таълим олишга қизиқиши йил сайин ортиб борган. Архив ҳужжатларида ёзилишича, Биринчи жаҳон уруши арафасида биргина Бухоронинг ўзидан 250 дан ортиқ талаба Туркиянинг турли таълим муассасаларида ўқир эди (ЎзМА, И-461, 2115-иш: 19).

Оренбургда нашр этилган "Шўро" журналининг 1913 йил 7-8-сонларида татар маърифатпарвари Фотиҳ Каримий Туркияда фаолият олиб борган ҳукумат ва хусусий ўқув юртлари ҳақида маълумот беради. Ҳукуматга қарашлик бўлган Истанбул университетида илоҳиёт, адабиёт, тиббиёт, риёзиёт, ҳуқуқ шўъбалари бўлган. Илоҳиёт ва ҳуқуқ шўъбаларида 4 йил, қолган шўъбаларда 3,5 йил ўқилган. Ўқишга кирувчи талабгордан ўрта мактаб тугатганлик ҳақида шаҳодатнома сўралган. Асосан 17 ёшдан юқори бўлган ёшлар талабаликка қабул қилинган. Университетда ўқиш пуллик бўлиб, ҳар бир талаба учун бошидан икки ярим лира олинган. Дорилфунунда талабаларга араб, форс, француз ва немис тиллари ҳам ўқитилган. Бу тилларни олий маълумотли ва Европада таълим олган муаллимлар ўргатган. Айрим фанлар учун амалий лабораториялар ташкил этилган. Хусусан, кимё фани учун махсус лаборатория, ботаника ва табиий фанлар учун университет ёнида амалиётга ер ажратилган (Каримий, 1913/7: 214).

Ана шу университетда Туркистон ёшлари ҳам таълим олган. Тошкентлик Шоҳид Эҳсон Мусаев 1911 йилда Истанбулдаги Султония мактабига кириб турк тилини яхши ўзлаштиради. Мактабни тамомлаб Истанбул университетининг социология факультетига ўқишга кирган. Ўқиш жараёнида ҳайрия жамиятидан ёрдам олди, баъзан турли жойларда ишлаб 1918 йилда университетни тамомлаган (Аҳмедов С., 2004).

Тошкентнинг Бўстонлиқ тумани Қўшқўрғон қишлоғидан бўлган Холид Саид Хўжаев 1914-1918 йилларда Истанбул университетининг "Тарих ва филология" факультетида таълим олган. Унинг Истанбулда ўқишга қизиқишига ҳаж зиёратида бўлиб қайтган ҳожиларнинг ҳикоялари сабаб бўлган. У Истанбулда ўқиш учун пул тўплаш мақсадида мадрасада олган билимлари билан маҳаллий танобчиларга ер ўлчашда ёрдам беради. Ушбу меҳнати билан беш-олти ойга етарлик пул тўплайди. Ҳолид Саид 1934 йил 26 апрелда ёзган таржимаи ҳолида Истанбулга бориб таълим олиши ҳақида қуйидагича ёзади: "Ўша пайтларда Генерал-губернатор томонидан туркистонликларга хорижий паспорт бериш таъқиқланган эди. Шунда бир танишимнинг маслаҳати билан уч-тўрт сўм эвазига Хитой паспортини сотиб олдим. Ҳар қалай, шу паспорт билан мен Истанбулга келдим. Бу ердан кейин Миср ва Сурияга ҳам саёҳат қилиш ниятим бор эди. Лекин тасодифан газетадан Истанбул университети қошида икки йиллик тайёрлов курслари очилгани ҳақидаги эълонни ўқидим. Шунда қарорим ўзгариб, шу курсда таҳсил олиш фикрига тушдим. Имтиҳонга киритилган 1750 нафар кишининг ичида мен ҳам бор эдим. Шу тариқа олтиетти йил Истанбулда қолиб, таҳсилни тугатдим" (Ҳусайн ўғли, 2008/1:46).

ХУЛОСА

XX аср бошларида маҳаллий ёшлар жадид зиёлилари ва илмга хайрихоҳ кишилар томонидан ташкил этилган ҳайрия жамиятларининг моддий ва маънавий кўмаги ҳамда ўз имкониятлари билан чет мамлакатларда таълим олдилар. Хориж давлатларининг ислоҳ қилинган мадрасалари ва олий ўқув юртларида таълим олган ёшлар Туркистонга қайтиб жадид зиёлилари сафларини тўлдирдилар. Бунинг натижасида жадидларнинг фаолияти янада жадаллашди. Улар маориф, матбуот ишларида иштирок этдилар, театр труппаларини ташкил қилдилар. Бу ёшларнинг кўпчилиги Туркияда таълим олишга муваффақ бўлди. Россияда империя тузумининг тугатилиши арафасида ҳам Туркистон ёшларининг хориж мамлакатларида таълим олиш ҳаракатлари давом этган эди.

АДАБИЁТЛАР

1. Зиё Саид. Танланган асарлар. (Тўпловчи Ш.Турдиев). Тошкент, 1974. – Б. 32.
2. Самарқанди муфти Маҳмуд хўжа ибн Беҳбуд хўжа ҳатиб. Томин истиқбол // Шуҳрат. 1908 йил 7 февраль.
3. Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. – Тошкент: Маънавият, 2001. – Б. 16.
4. Ўзбекистон Миллий архиви. И-461-фонд, 1-рўйхат, 935-иш, 3-5-варақлар
5. Бекмуҳаммад У. Жайхунни жиловлаган мироб // Камалак. 2004 йил 4 декабрь.
6. Поъздна бухарцевъ въ Парижъ // Туркистон вилоятининг газети. 1910 йил 24 январь.
7. Ўзбекистон Миллий архиви. И-461-фонд, 1-рўйхат, 1315-иш, 337-варақ орқа томони.
8. Солиҳ бин Собит Абиддин. Маржоний. Қозон: Маориф, 1915. – Б. 39.
9. Чор ҳукумати ва Туркистонда татар муаллимлари // Инқилоб. № 7-8. 1922. – Б. 27-30.
10. Оренбурғ шаҳриндаги мадрасаи Ҳусайнияни программаси... //Тараққий. 1906 йил 12 август; Ўқув мажлиси. // Шуҳрат. 1907 йил 18 декабрь; Уфода Мадраса Олия диниа. // Тужжор. 1907 йил 28 август; Илм йўлинда ҳайирот // Самарқанд. 1913 йил 2 август; Каримий Ф. Истанбул мактаблари ҳақида бир қадар маълумот // Шўро. № 7. 1913 йил – Б. 213.
11. Ёш туркистонли. Гаспирали Исмоилбек номи “Таржимон” газетасининг чиқанлигини 50 йиллиги муносабати ила // Ёш Туркистон. № 41. 1933. – Б.1.
12. Муҳаммаджонов М. Турмуш урунишлари. Самарқанд-Тошкент, 1926. – Б. 169.
13. Шермуҳамедов М. Хўқанд ёшларига мурожат // Эл байроғи. 1918 йил, 18 январь; Ташаккурнома // Улуғ Туркистон. 1917 йил, 4 ноябрь.
14. Агзамхўжаев С. Бирлашмоқ маслагидаги толиблар // Ёш куч. № 5. 1991. – Б. 5.
15. Устав мусулманскаго общества “Помощь” в Ташкенте. – Ташкент, 1909. – Б. 1-2.
16. Отчет мусульманского общества “Помощь” // Туркистон вилоятининг газети. 1910 йил 7 февраль.
17. Ёқуб. Илк хожам. // Ёш Туркистон. № 50. 1934. – Б.13.
18. Мунавварқори Абдурашидхонов. Хотираларимдан (жадидчилик тарихидан лавҳалар) – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 108-109.
19. Аҳмад С. Мунаввар қори // Шарқ юлдузи. № 5. 1992. – Б.107-108; Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи – санъатшунослик фанлари номзоди Сирожиддин Аҳмедов. – Тошкент: Маънавият, 2003.
20. Хўжаев Ф. Танланган асарлари. 1-Том. – Тошкент: Фан, 1976. – Б. 98.
21. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва,1926. – Б. 84.
22. Заки Валидий Тўғон. Бугунги турк эли. Туркистон ва унинг янги тарихи. 2-босқи. – Истанбул, 1981. – Б. 354,
23. Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жадидчилик (Илмий тадқиқий мақолалар). – Тошкент, 2007. – Б 18.
24. Kocao’g’lu T. Turkistanda Yenilik Hareketleri ve ihtilaler. 1900-1924: Birinchi Baski, Haarlen. – Holland-2001. – Б. 467.
25. Ўзбекистон Миллий архиви. И-3 фонд, 1-рўйхат, 356-иш, 5-варақ.
26. Айний С. Асарлар. VIII томлик 1-том. – Тошкент, 1965. – Б. 236.
27. Ўзбекистон Миллий архиви. И-19-фонд, 4-рўйхат, 115-иш, 5-варақ.
28. Ўзбекистон Миллий архиви. И-2-фонд, 1-рўйхат, 283-иш, 14-варақ.
29. Ўзбекистон Миллий архиви. И-461-фонд, 1-рўйхат, 1260-иш, 69-варақ.
30. Ўзбекистон Миллий архиви. И-461-фонд, 1-рўйхат, 2115-иш, 19-варақ.
31. Каримий Ф. Истанбул мактаблари ҳақида бир қадар маълумот // Шўро. № 7. 1913. – Б. 213.
32. Аҳмедов С. Шоҳиди Эсон // Ma’rifat. 2004 йил 17 июнь.
33. Али Шомил Ҳусайин ўғли. Қатағон қурбони // Жаҳон адабиёти. № 1. 2008. – Б. 46.

REFERENCES:

1. Ziyo Said. Tanlangan asarlar. (To‘plovchi Sh.Turdiev). Toshkent, 1974. – B. 32.
2. Samarqandi mufti Mahmud xo‘ja ibn Behbud xo‘ja hatib. Ta’min istiqbol // Shuhrat. 1908 yil 7 fevral.
3. Baldauf I. XX asr o‘zbek adabiyotiga chizgilar. Toshkent: Ma’naviyat, 2001. – B. 16.
4. O’zbekiston Milliy arxivi. I-461-fond, 1-ro‘yxat, 935-ish, 3-5-varaqlar

5. Bekmuhammad U. Jayxunni jilovlagan mirob // Kamalak. 2004 yil 4 dekabr.
6. Pozdna buxarsev v Parij // Turkiston viloyatining gazeti. 1910 yil 24 yanvar.
7. O‘zbekiston Milliy arxivi. I-461-fond, 1- ro‘yxat, 1315-ish, 337-varaq orqa tomoni.
8. Solih bin Sobit Abiddin. Marjoniy. – Qozon: Maorif, 1915. – B. 39.
9. Chor hukumati va Turkistonda tatar muallimlari // Inqilob. № 7-8. 1922. – B. 27-30.
10. Orenburg‘ shahrindagi madrasai Husayniyani prog‘rammasi... //Taraqqiy. 1906 yil 12 avgust; O‘quv majlisi // Shuhrat. 1907 yil 18 dekabr; Ufoda Madrasa Oliya dinia // Tujjor. 1907 yil 28 avgust; Ilm yo‘linda hayirot // Samarqand. 1913 yil 2 avgust; Karimiy F. Istanbul maktablari haqida bir qadar ma’lumot // Sho‘ro. № 7. 1913 yil – B. 213.
11. Yosh turkistonli. Gaspirali Ismoilbek nomi “Tarjimon” gazetasining chiqanligini 50 yilligi munosabati ila // Yosh Turkiston. № 41. 1933. – B.1.
12. Muhammadjonov M. Turmush urunishlari. Samarqand-Toshkent, 1926. – B. 169.
13. Shermuhamedov M. Xo‘qand yoshlariga murojat // El bayrog‘i. 1918 yil, 18 yanvar; Tashakkurnoma // Ulug‘ Turkiston. 1917 yil, 4 noyabr.
14. Agzamxo‘jaev S. Birlashmoq maslagidagi toliblar // Yosh kuch. № 5. 1991. – B. 5.
15. Ustav musulmanskago obshestva “Pomosh” v Tashkente. Tashkent, 1909. – S. 1-2.
16. Otchet musulmanskogo obshestva “Pomosh” // Turkiston viloyatining gazeti. 1910 yil 7 fevral.
17. Yoqub. Ilk xojam. // Yosh Turkiston. № 50. 1934. – B.13.
18. Munavvarqori Abdurashidxonov. Xotiralarimdan (jadidchilik tarixidan lavhalar) – Toshkent: Sharq, 2001. – B. 108-109.
19. S. Ahmad. Munavvar qori // Sharq yulduzi. № 5. 1992. –B.107-108; Munavvar qori Abdurashidxonov. Tanlangan asarlar. Nashrga tayyorlovchi va so‘z boshi muallifi – san’atshunoslik fanlari nomzodi Sirojiddin Ahmedov. – Toshkent: Ma’naviyat, 2003.
20. F. Xo‘jaev Tanlangan asarlari. 1-Tom. – Toshkent: Fan, 1976. – B. 98.
21. S. Ayniy. Buxoro inqilobi tarixi uchun materiallar. – Moskva,1926. – B. 84.
22. Zaki Validiy To‘g‘on. Bugungi turk eli. Turkiston va uning yangi tarixi. 2-bosqi. – Istanbul, 1981. – B.354,
23. H. Boltaboev Fitrat va jadidchilik (Ilmiy tadqiqiy maqolalar). – Toshkent, 2007. – B 18.
24. Kocao’g’lu T. Turkistanda Yenilik Hareketleri ve ihtilaler. 1900-1924: Birinchi Baski, Haarlen. – Holland-2001. – B. 467.
25. O‘zbekiston Milliy arxivi. I-3 fond, 1-ro‘yxat, 356-ish, 5-varaq.
26. Ayniy S. Asarlar. VIII tomlik 1-tom. – Toshkent, 1965. – B. 236.
27. O‘zbekiston Milliy arxivi. I-19-fond, 4-ro‘yxat, 115-ish, 5-varaq.
28. O‘zbekiston Milliy arxivi. I-2-fond, 1-ro‘yxat, 283-ish, 14-varaq.
29. O‘zbekiston Milliy arxivi. I-461-fond, 1-ro‘yxat, 1260-ish, 69-varaq.
30. O‘zbekiston Milliy arxivi. I-461-fond, 1-ro‘yxat, 2115-ish, 19-varaq.
31. Karimiy F. Istanbul maktablari haqida bir qadar ma’lumot // Sho‘ro. № 7. 1913. – B. 213.
32. Ahmedov S. Shohidi Eson // Ma’rifat. 2004 yil 17 iyun.
33. Ali Shomil Husayin o‘g‘li. Qatag‘on qurboni // Jahon adabiyoti. № 1. 2008. – B. 46.